

2023 йилнинг «Энг яхши таълим сифати» мукофотига сазовор бўлган мактаб



18:13 / 19.09.2023 1613

2023 йилнинг «Энг яхши таълим сифати» мукофотига Ғарбий Африка мактаблари ичидан Нигериянинг Лагос шаҳрида жойлашган Ислом мактаби сазовор бўлди.

Мусулмон болалар боғчаси ва Леки бошланғич мактаби (LMS) мукофотни Лагоснинг Ikea шаҳридаги Sheraton Hotels ва Towers меҳмонхонасида бўлиб ўтган махсус маросимда қабул қилиб олдилар.

Бошқарувчилар кенгаши раиси ва Лагос штатининг собиқ бош прокурори Алҳажжи Аденижи Казим (САН) мактабда таълим сифати яхши эканлиги

ҳақида шундай дейди: «Бошқарувчилар кенгашининг ваколати мукамал таълим сифати ва стандартларини таъминлашдан иборатдир».

Мусулмон болалар боғчаси ва Леки бошланғич мактаби 2016 йил сентябрь ойида ўз иш фаолиятини бошлаган. Бу Лагос штати ҳукуматининг таълим сифатини таъминлаш бошқармаси томонидан тасдиқланган юқори сифатли мактабдир.